

ШАРТНОМА № 9091

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

« 02 » март 2022 йил

Фарғона шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси Марғилон шаҳар бўлими раҳбар Ф.Раҳимжонов (хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низоми асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан “Farg‘ona temir darvozasi” хусусий корхонаси раҳбар Д.Сайдахматова (хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб раҳбар юритилади ва қуйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган махсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	ККС		Суммаси
						%	Сумма	
1	Офисний планшет	дона	54	3 159 130.43	170 593 043.22	15	25 588 956.78	196 182 000
x	Жами:	x	54	X				196 182 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Бир юз тўқсон олти миллион бир юз саксон икки минг сўм 00 тийин ККС билан

(рақамлар ва ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 30 (уттиз) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % микдорида «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб булади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорига «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланеди.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қафолатлайди.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидлик қиритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, муружаатни олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 02 » Март дан 2022 йил « 31 » декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

« СОТУВЧИ »

« СОТИБ ОЛУВЧИ »

(мол етказиб берувчининг номи)
Манзил: **"FARG'ONA TEMIR DARVOZASI" Х/К**
Фарғона шаҳар. Шифокорлар 18/74-уй.
Тел./факс: **X/р: 20208000804805723001**
Хисоб варақ: **"АТБ" ХАМКОР БАНК" ИСТИҚБОЛ ФИЛИАЛИ**
Банк номи: **МФО: 00965 ИНН: 301349394**
МФО: **ОКОНХ: 82100**
ОКОНХ: _____

Ёшлар илмий асотиблари Маркелон шаҳар
(бюджетдан маблағ олувчининг номи) *бўлими*
Манзил: *Маркелон ш қилдои куча 68к уй*

Тел./факс: *90 632 - 38 - 33*
ш/х*: *100022860304127049996225002*
СТИР: *309219644* ОКЭД: *84112*
Ғазначилик бўлинимаси
Ғазна х/в: *23.402.000.300.100.001.010*
Банк номи: *Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.*
МФО: *00914* СТИР: *201 122 919*



Раҳбар: _____

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Раҳбар: _____

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Ҳуқуқшунос: _____

М.У. _____

А.С. Чомилов